



Хозирда Кремл ва Акорда томонидан қўлланиладиган парчалаш (бўлиш) технологияси 20-асрнинг бошларида, инкилоблар пайтида Россияда ташкил этилган жаидизм тарафдорлари "Иттифок ал-Муслимин" партияси юқоридан бўлинган пайтда маълум бўлган.



Иттифок ал-Муслимин партиясининг низоми 1905 йил сентябрда тайёрланган. Хокимият дастлаб бу партиянинг ташкил этилишига қарши чиққан, натижада уни қўллаб-қувватлаганларни ажратиш учун консерватив қарашларга амал қиладиган кадимчи "Сират Ал-Мустақим" ("тўғри йўл") партиясини туздилар. Кейинчалик Иттифок ал-Муслимин партияси тарқатиб юборилди.

Жаидчилик ҳаракати сифатида мавжуд бўлган ва маърифатпарварлик ҳаракати деб номланувчи 19-аср охири–20-аср бошларидаги инновацион ҳаракат тарих фанида "туркий-мусулмон ҳаракати" ёки "туркий-миллий ҳаракат" деб аталади.

Асосан Европанинг таникли олий ўқув юртларида таълим олган татар зиёлилари вакиллари ва бошқирдлар ва озарбайжонларнинг маълумотли жамияти вакиллари туртки берган бу ҳаракатга Козон, Уфа ва Санкт-Петербургда тахсил олган козок зиёлилари ҳам қўшилишди.

«Россия мусулмонлари ҳаётидаги тарихий воқеа»

Николай II нинг 1905 йил 6 (19) августдаги Давлат думасини чақириш тўғрисидаги Манифести жаҳидчиликни фаоллаштириб, ўз мақсадларини мусулмон маданияти ва таълимни ривожлантиришда деб билган туркий-мусулмон зиёлилари сиёсий ташкилотини ташкил қилишга тўртки бўлди.

1905 йилнинг 8 августидан Нижний Новгород шахрига Туркистон, Сибир, Козогистон, Кавказ ва Кримдан мусулмон жамоатлари етиб кела бошлади. Уларнинг сони 150 кишига яқин эди. Демада туркий-мусулмон сиёсатчиларни қўришни истамаган ҳукуматнинг қаршилигига қарамай, 13 август кун Оқа дарёсидаги кемалардан бирида махфий равишда Бутунроссия мусулмонларининг биринчи қурултойи очилди. Қурултой 20 августгача давом этди.

Исмоил Гаспранли қурултой раиси етиб сайланди. Қурултойда чор ҳукуматининг мустамлақачилик сиёсати ва мусулмонлар ҳуқуқларининг бузилиши танқид қилинди. Тили, дини, миллати, ирки ва жинсидан қатъи назар, барча Россия фуқаролари учун тенг ҳуқуқларни талаб қилувчи қарор қабул қилинди.

Қурултойда Россиянинг мусулмон жамоаларини мувофиқлаштирадиган "Иттифок ал-Муслимин" ("мусулмонлар Иттифоқи") Бутунроссия мусулмонлар ташкилотини тузишга қарор қилинди. Делегатлар ушбу қурултойнинг ўтказилишини "Россия мусулмонлари ҳаётидаги тарихий воқеа" деб баҳоладилар ва "хар йили мусулмонлар орасида 15 августни нишонлаш тўғрисида" қарор қабул қилдилар.

Қурултой топширигига биноан Алимардан-бек Топчибашев ва Абдурашид Ибрагимов ташкилот дастури ва уставини ишлаб чиқишни бошладилар. Иттифок ал-Муслимин ҳаракатининг Козон қўмитаси ноябрь ойида бир қатор учрашувлар ўтказди ва ҳаракатни партия сифатида қайта ташкил этиш бўйича асосий ҳужжатларни тайёрлади.

Қурултойда қатнашганлар орасида қўплаб таникли миллионер тадбиркорлар бор эди. Баъзи тадқиқотчилар 1906 йил феврал ойида бўлиб ўтган сайлов кампаниясида мусулмонларнинг молиявий эҳтиёжлари ушбу миллионерлар ҳисобидан ҳал қилинган деб ҳисоблашади.

ИТТИФОК АЛ-МУСЛИМИН ПАРТИЯСИ

1905 йил декабр ойида Давлат Думасига сайловлар тўғрисидаги қонун қабул қилинганидан бир ой ўтгач, яъни 1906 йил 15-23 январ кунлари Санкт-Петербургдаги меҳмонхоналар ва хусусий квартираларда расмийлар томонидан ваколат берилмаган мусулмонларнинг иккинчи Бутунроссия қурултойи бўлиб ўтди. Қурултойда Салимгерей Жантурин, Уалитхон Танашев, Шаймерден Қосшигулов каби қозок зиёлиларининг вакиллари иштирок этишди. Қурултой Иттифок ал-Муслимин партиясининг низомини қабул қилди.

Оренбург, Астрахан, Уралск, Омск, Қизилжар, Семей, Верний, Тошкент, Ашхобод

шахарларида Иттифок ал-Муслимин партиясининг филиалларини очишга қарор қилинди. Конгресс делегатлари Давлат Думаси сайловларида тактикани кўриб чиқдилар ва Россия мусулмонлари ва Конституциявий демократик партия, яъни кадетлар партиясининг биргаликдаги ҳаракатлари тўғрисида қарор қабул қилдилар.

Кадетлар партияси Иттифок ал-Муслимин партияси билан иттифок тузишдан манфаатдор эди, шу туфайли 1906 йил апрел ойида биринчи Давлат Думаси ишининг бошланиши билан икки партия томонидан блок тузилди. Натижада Думада алоҳида мусулмон фракцияси тузилди, унинг раиси Иттифок ал-Муслимин партияси раҳбарларидан бири – озарбайжонлик адвокат Алимардан-бек Топчибашев сайланди. Кадетлар партияси энг кўп овоз олди ва Россия ички ишлар вазири Пётр Столипинга асосан кадетлардан иборат ҳукумат тузишни таклиф қилди. Бироқ, факат битта сессия ўтказган Дума 72 кундан кейин подшоҳнинг фармони билан тарқатиб юборилди. Биринчи Давлат Думасининг тарқатилишини ноқонуний деб ҳисоблаган Выборг мурожаатини имзолаган Иттифок ал-Муслимин партияси аъзолари сайланиш ҳуқуқидан маҳрум қилинди, улар уч ойга ҳибсга олинди. Улар орасида Салимгерей Жантурин ҳам бор эди. Кадет партиясининг фаоли, Думани тарқатиб юбориш арафасида қиришга муваффақ бўлган Алихон Букейхон, саккиз ой давомида ҳибсга сақланган. 1906 йил 16 августдан 23 августгача чор ҳокимиятининг руҳсати билан мусулмонларнинг учинчи Бутунроссия курултойи бўлиб ўтди. Бу сафар курултойда 800 дан ортиқ делегат иштирок этди ва 15 кишидан иборат Марказий кўмита сайланди. Козогистон зиёлилари вакиллари Салимгерей Жантурин ва Шаймерден Косшигулов ҳам кўмита аъзоси бўлишди.

Курултой таълим муаммолари бўйича резолюция қабул қилди. Барча жойларда мусулмон болалар учун араб графикаси асосида она тилида дарс берадиган бошланғич ва ўрта мактабларни очишга чақирик қабул қилинди. Мусулмонлар бирлигини мустаҳкамлаш мақсадида Курултой барча мактабларда "хамма учун умумий туркий тилда дарс беришни таклиф қилди".

Мусулмонларнинг учинчи Бутунроссия Конгресси мусулмон ташкилотларини ислох қилиш масаласини кўриб чиқди. Курултойда Россияда битта вакил – факат императорга бўйсунадиган Райс-ул-улем томонидан назорат қилинадиган бешта муфтийлик ташкил этиш таклиф қилинди. Шунингдек, муфтийлар сайланиши, Козогистон вилоятларининг диний ишлари Оренбург муфтийлигига тегишли бўлиши, Туркистонда эса алоҳида муфтийлик очилиши тўғрисида қелишиб олинди.

Аммо 1907 йилда иккинчи Давлат Думасига сайловлар арафасида Иттифок ал-Муслимин партияси ҳали рўйхатга олинмаганди. Шунинг учун кейинги чақириқлар Думасида фаоллар ўз фаолиятини мусулмонлар фракцияси бюроси қаноти остида давом эттирдилар.

1914 йилда туркий-мусулмон арбоблари Иттифок ал-Муслимин партиясини қайта тиклашга бир неча бор уринишган. Мусулмонларнинг тўртинчи Бутунроссия курултойи ўша йилнинг 15 июнидан 25 июнигача бўлиб ўтди. Аммо курултой Иттифок ал-мусулмон партиясининг мавжудлигини узайтирмади. Россия мусулмон элитаси маданий маърифатдан умумий байроқ остида сиёсий ҳаракатга ўтишга қодир эмаслигини исботлади. Ушбу курултой ишида козок делегатлари Алихон Букейхон, Бақитжон Қаратаев, Шерали Лапин, Садуакас Шорманов иштирок этди.

«СИРАТ АЛ-МУСТАКИМ» ПАРТИЯСИ

Иттифок Ал-мусулмон партиясининг муфтийликларни ислох қилиш истаги жаҳидчилар ва қадимчилар ўртасидаги қелишмовчиликнинг янада қучайишига олиб келди. Консерватив ва анъанавий фикрлайдиган қадимчилар гуруҳи Оренбург муфтийлиги атрофида тўпланиб, у ерда "Дин ва маишат" ("Дин ва ҳаёт") журнални нашр этишди. Ҳукумат "қадимчилар" ва "иттифокчи-жаҳидчилар" деб номланувчи оқимлар ўртасида мавжуд бўлган ички қарама-қаршиликдан фойдаланди. Қурултой ўтказишга руҳсат бермасликнинг яна бир сабаби шундаки, муфтий Муҳаммадёр Султонов ўзига бўйсунган мулаларнинг қурултойга боришига йўл қўймаган.

1914 йил охирига қелиб Россия ташқи ишлар вазирлигида таржимон бўлиб ишлаган Муҳаммад-Сафо Баязитов ва тадбиркор Фатих Байрашев Россия ички ишлар вазирлигига хат ёзиб, "Сират Ал-Мустақим" («Тўғри йўл») мусулмон партиясини тузишга руҳсат олдилар.

1915 йилда Баязитовнинг Оренбург муфтийлигига тайинланиши вазиятни янада мураккаблаштирди. «Муҳаммад-Сафо Баязитов аслида қадимчиларнинг етакчиларидан бири эди. Унинг муфтий лавозимига тайинланиши ҳокимият томонидан жаҳидчилар йўлида қўйилган яна бир тўсик эди»- жаҳидчи нашрларидан бири шундай ёзган. Сират Ал-Мустақим партияси асосчиларининг мактубида партиянинг мақсади Россиянинг бирлиги, Россия қонунларига қатъий риоя қилиш, мусулмонларнинг фаровонлигини ошириш ва маърифий ишларни ривожлантириш истаги эканлиги айtilган.

Бироқ, чор ҳукумати ҳам, мусулмонлар жамоаси ҳам янги ташкил этилган партиянинг асл мақсадини аниқ қўришди. Хатто Оренбург губернаторининг мактубларида ҳам "асосчилар" Сират Ал-Мустақим партияси орқали "Россиянинг консерватив-анъанавий мусулмонларининг бир қисмини мусулмонлар орасида чап оқимга қарши ишлатиш ниятида эканлиги ёзилган. «Тормыш», «Қуёш», «Сўз» каби либерал нашрларда Сират Ал-Мустақим партиясининг характери очиқ берадиган материаллар нашр этилди. Масалан, Уфада нашр этилган «Тормыш» газетаси вазиятни қуйидагича баҳолаган таниқли мусулмон арбобларининг мурожаатини тарқатди: "Сират Ал-Мустақим партияси, мақсади ва руҳи нуқтаи назаридан, рус қарангсиз партияларининг нусхасидир"

ИТТИФОК АЛ-МУСЛИМИН ПАРТИЯСИ ГОЯЛАРИНИНГ ДАВОМИ

Чор Россиясидаги татарлар, бошқирлар, озарбайжонлар ва қозоқлар вакилларида ташкил топган туркий-мусулмон сиёсий элитаси, 20-аср бошларида фуқаролик ва сиёсий эркинлик учун қураш пайтида, қисқа вақт бўлса ҳам, Россиянинг мусулмон халқларини бирлаштирди ва ўз манфаатларини ҳимоя қилишга интилди.

Бироқ, чор ҳокимияти қисқа вақт ичида Иттифок ал-мусулмон партияси йўлида тўсиқлар яратди. Ҳокимият Сират Ал-Мустақим партиясини тузиб, мусулмонлар жамоасининг

эътиборини бошка йўналишга каратди.

Иттифок ал-Муслимин партиясининг гоёлари 1917 йилда Озарбайжонда ташкил этилган Мусават партияси, 1917 йилги инкилоблар арафасида пайдо бўлган Туркистон Шўро-Ислом партияси ва козок Алаш партияси тамойилларида ўз аксини топган.

Абу Муслим тайёрлади